

**Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни саклаш вазирлиги**

5A510117-Урология магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент

СҮЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Республика тиббий таълим ривожлантириш маркази;
- Тошкент тиббиёт академияси.

2. ТАСДИҚЛАНГАИ ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги 2017 йил «22»
08 даги 474 - сопли буйруғи.

3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги.



Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлигига тегипшилидир.

МУНДАРИЖА

T/p	бет
1. <i>5A510117 – Урология магистратура мутахассислигининг умумий таснифи</i>	4
1.1 Кўлланиш соҳаси	4
1.2 <i>5A510117 – Урология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи</i>	5
2. <i>5A510117 – Урология мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар</i>	6
2.1 Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2. <i>5A510117 – Урология мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари</i>	7
3. <i>5A510117 – Урология магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар</i>	8
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	9
3.2. <i>5A510117 – Урология магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми</i>	10

1. 5A510117 – Урология магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

5A510117 – Урология магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машгулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) хамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўкув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва мос малака (даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўкув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битиувчиларниң малака(даражаси)

Ўкув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Ўкув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Мутахассисликнинг ўкув режа ва фан дастурлари	Магистр	3 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5A510117 – Урология** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуасини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда асосий ўкув режа ва фан дастурларини амалга ошириш хуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистртура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чикиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистртура мутахассислигининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлантириш бўйича ўкув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

- ўз ваколат доирасида битиувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битиувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли Давлат органлари;

- магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқукига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5A5101117 – Урология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5A5101117 – Урология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A5101117 – Урология магистратура мутахассислиги – Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизими, малака ошириш, қайта тайёрлаш муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок илмий-тадқикот институтлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соглиқни сақлаш бошкармалари, илмий-тадқикот марказлари, давлат бошқаруви органлари, соғлиқни сақлаш тизимидағи даволаш ва профилактика муассасаларини ўз ичига олади.

1.2.2. 5A510117 – Урология мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизими, малака ошириш, қайта тайёрлаш таълим муассасалари, давлат ва нодавлат муассасалари.

- соглиқни сақлаш тизимидағи жараёнлар, соғлиқни сақлаш тизимига тегипли дастурлар, стандартлар, илмий мақолалар, тезислар, илмий-тадқикот ишлари, меъёрий хужжатлар, маълумотномалар, ҳисоботлар;

- тиббиёт асбоб-ускуналари, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, усул ва услублар мажмуаси;

- жамият, ахоли, беморлар;

- соғлиқни сақлаш тизимидағи даволаш ва профилактика бўйича давлат ва хусусий муассасалар, вилоят, шахар, туман даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари ва масъул шахслар;

- илмий-тадқикот ва илмий-ишлаб чиқариш муассасалари ва ташкилотлари, тиббий ёрдам хизматларига эга бўлган хусусийлиги исталган шаклда бўлган ишлаб чиқариш бирлашмаларида амалга ошириладиган чора-тадбирлар;

1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

• *Илмий-тадқикот фаолияти;*

• *Даволаши ва профилактика фаолияти;*

• *Тиббий-ижтимоий;*

• *Ташкилий-бошқарув фаолияти;*

• *Олий, малака ошириши ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);*

• *Консалтинг хизмати фаолияти* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аникланади.

1.2.4. Таълимни давом эттириш имкониятлари

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок

ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустакил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

2. 5A510117 – Урология мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қилиш;
- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қилиш;
- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий гоянинг назарий асосларни англашган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт қуриш” бош гоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий гоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиш;
- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан хаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиш;
- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи хукуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиш;
- янги билимларни мустакил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий ахамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиш;
- ўз фаолиятида меъёрий хукуқий хужжатлардан фойдалана билиш;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма путкини аник баён қилиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чикиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият билан ёндашиш;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий конунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулокот ва касбий малака алманиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиши ва улардан мулокатда фойдаланиш;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиши усусларини билиш;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустакил карорлар қабул қила билиши;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиш;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳлидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш;

- интернет тармогидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашниш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш;
- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

2.2. 5A5101117 – Урология мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш, янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва амалиётга тадбиқ қилиш;
- ўтказилган текширувлар, уларнинг натижаларини таҳлил қилишида янги технологияларни ишлаб чиқиши, умумлаштириши ҳамда улапрни амалиётга татбиқ қилиш;
- намунавий услубиётлар ва бошқалар бўйича экспериментал ва клиник тадқиқотларни ўтказиши ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- илмий-амалий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий семинарлар, илмий-амалий конференцияларда маъruzалар билан иштирок этиш;
- илмий-амалий тиббий мавзулар бўйича тиббиётга оид журналларга мақолалар тайёрлаш
- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Даволаш ва профилактик фаолиятида:

- беморларда ички аъзолар касалликларини аниглаш ва (кам инвазияли усулларни қўшиб) даволаш;
- тезкор ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган тўла ҳажмдаги кўникмага эга бўлган юқори малакали мутахассис-терапевт сифатида мустакил амалий фаолият кўрсатиш;
- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини таргибот қилиши;
- кенг тарқалган терапевтик касалликларни камайтириш учун профилактик тадбирларни амалга ошириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Тиббий-ижтимоий фаолиятида:

- согликни саклашда ижтимоий тадқиқотлар услубларидан фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий ҳаёт тарзидан келиб чиқувчи муаммолар бўйича турли хил стратегик режа ва дастурлар ишлаб чиқиш, амалга ошириш йўлларини белгилаш ва ечимлар қабул қилиши;
- ижтимоий муассасаларда юзага келувчи тиббий-ижтимоий низо ҳолатларидан чиқиш, ечиш, уларни бошқариш, ҳолатни баҳолай олиш;

- ижтимоий ҳимоя органлари ва раҳм-шавқат хизматлари билан ҳамкорликда оила ва алоҳида аҳоли гурухларига ижтимоий-гигиеник, тиббиёт-демографик ва ижтимоий-психологик таҳдид омилларини ҳисобга олган ҳолда хизмат турларини ташкиллаштириш ва хизмат қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- бозор иқтисодиёти шароитида тиббий жамоаларни бошқаришни илмий ва амалий асосда ташкил қилаш;
- меҳнат, моддий ва ахборот ресурсларини рационал бошқаришни таъминлаш, бошқаришни ижтимоий-иктисодий ривожланиш тенденцияларига мос тарзда такомиллаштириш;
- узлуксиз таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўқув персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплап, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўрта маҳсус ва тиббиёт коллежларида ҳамда олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва татбик этиш бўйича гурухларни бошқариш;
- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):

- олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ўқув устахоналарида ўтказиш;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ӯзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуналарни ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- мутахассислар бўйича соғлиқни саклаш тизимлари соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш;

- мутахассислик бўйича меҳнат бозорини тартибга солиш ва меҳнатни ташкил қилишдаги мавжуд холатнинг таҳлилий шарҳларини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

3. 5A510117 – Урология магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Урология мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қўйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

умумметодологик фанлар;

мутахассислик фанлари;

илмий фаолият.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишида ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоклари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равиша янгилаб туриши лозим.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишида ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимиш-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий мухитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига қўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, илбилиармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва х.к.) шаклларни ўтказиши, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан таипқари иш билан биргалиқда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишининг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларининг хукуклари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун таплов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўкув режа ва фан дастури ўкув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машгулотларни қамраб олиши керак.

Магистратура мутахассислиги ўкув режасига мувофик равища якуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

Ўкув режага киритиладиган мутахассисликка оид фанларнинг амалий машғуотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий даволаш профилатика муассасаларида ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун магистрантларнинг илмий амалиёт (стажировка)лари базавий даволаш профилатика муассасаларида ўтказилади.

3.1. Ўкув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Умумметодологик фанлар блоки:

миллий истиқбол гояси ва гуманитар, техник ва табиий фанлар фалсафий масалалар бўйича билимлар берилиши;

инсониятнинг глобал муаммолари, маънавий ҳаёт, жамият ва шахс эҳтиёжлари, таълимнинг инсонпарварлик рухи; замонавий цивилизация ва унинг тараққиёт йўналишлари, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим этиш усуллари тўғрисидаги тасаввурни шакллантириши;

илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлани ўкув ва кўникмаларни шакллантириши, тадқиқ этиладиган мавзулар бўйича мунтазам равища мустакил таҳлил ва хulosани тайёрлаши;

илмий-тадқиқот методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, конунлар ва қоидалар мантиғи, асослар ва инкор қилиш усулларига, шунингдек нутқ маданияти асослари билимларига, педагогик технологиялар, мутахассислик бўйича менежмент ва иқтисодиётга доир билимларни таъминлаши;

амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши керак.

миллий гоя ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг боғлиқлигини ва унинг асосий мақсадларини англаши;

тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хulosаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқланаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фаркини билиши;

таълимга технологик ёндашув, ўкув мақсадларини аниқлаштириши, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириши ва ташкил этиши;

ахборот тизимларини ташкил этиши ва бошқариши;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассислари ўкув режаларидағи умумметодологик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Мутахассислик фанлари блоки:

урология мутахассислиги бўйича назарий ва амалий билимларни, ўкув ва кўникмаларни шакллантириши;

урология мутахассислиги бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларипи ривожлантириши;

урология мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисосланган илмий ва таълим муассасаларида соглиқни сакклаш соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий фаолият: илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўtkазиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

Илмий-педагогик ишлар:

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўкув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўкув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш укуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Стажировка:

соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш;

фан, соҳа ҳамда бошқа тармоклардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлапи лозим.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўкув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

Танлов фанлари:

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларининг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

*Танлов фанлари таркиби ва мазмuni соҳа бўйича республика ҳамда хориждаги етакчи мутахассис-олимларининг муаллифлик курслари ва муаммоли маърузалари асосида шакллантирилади.

3.2. 5A510117 – Урология магистратура мутахассислиги ўкув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб

чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиши шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 36 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 3 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чукур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий максади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аникланади. Талабаларнинг академик гурухлари учун маъзуза соатлари ҳажми аудитория вактининг 50 фойизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 20 фойзи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзida ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқишининг норматив муддати 3 йил бўлганда ўқув жараёни 152 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Назарий таълим ва илмий фаолият	117 ҳафта
Аттестациялар	9 ҳафта
Таътиллар	26 ҳафта
Жами	152 ҳафта

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқиши даврининг умумий ҳажми куйидагича тақсимланиши зарур:

назарий таълим	- 50 – 55%;
аттестация	- 4 – 7%;
таътиллар	- 13 – 16%;
илмий фаолият	- 30 – 40%.

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва куйидагиларга бўлинади:

илмий тадқикот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш – 60 – 70%;

илмий – педагогик иш ва малака амалиёти – 30 – 40%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига караб куйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар	10 – 20%
мутахассислик фанлари	65 – 75%
танлов фанлари	10 – 15%

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Г 55

ОКС 01.040.01

Таяинч сұзлар:

Далилларга ассоланган тиббиёт, тадқиқот усууллари, аналитик тадқиқотлар, когорт, ходиса - назорат, рандомизация, нисбий хавф, шанслар нисбати, сифат, сифатни ошириш тамойиллари, концепциялари, менежмент, менежер, бошқарув, етакчилик, ташкилот, мотивация, нормал анатомия, патологик анатомия, оператив хирургия, топография, метаплазия, аутопсия, гистология, физик текширув усууллари, компьютер томография, ультратратовуш текширув усууллари.

Кардиология, пульмонология, гастроэнтерология, ревматология, нефрология, текшириш усууллари, даволаш усууллари, хомиладорликда экстрагенитал касалликлар, интенсив терапия, юрак нүксонлари, буғим ичи инъекцияси, плевраль пункция, LE-хужайра, ревматоид омил, антинуклеар антитана, пульс терапия, базис даво.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган кадрлар
истеъмолчилари, ҳамда Ова ЎМТВ бошқармалари**

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги
Республика тиббий таълимни ривожлантириш маркази
Директор М.Х. Алимова



М.Ҳ.

2017 йил «20» июн

Тошкент тиббиёт академияси
Ректор профессор Л.Н.Туйчиев



М.Ҳ.

2017 йил «20» июн

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги
Биринчи ўринбосари Б.Қ.Юсупалиев

2017 йил «29» июн



М.Ҳ.

Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги
Фан ва ўкув юртлари бош бошқармаси бошлиғи
У.С. Исмаилов

2017 йил «22» июн



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига
Янги дастурлар ва ўкув адабиётларнинг жорий этилишини
назорат қилиш Бош бошқармаси

Бошлиқ О.Ш. Исмаилов

2017 йил «15» август

Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилган магистратура
мутахассисликлари таълим йўналишларининг малака талаблари ва
ўкув режаларини такомиллаштириш бўйича ишчи гурӯҳ
йиғилишининг 6-сонли
БАЁННОМАСИ

“17 сенябрь” 2017 й.

Тошкент шаҳри

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 10 январдаги Вазирлар Махкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хақида”ги З-сон қарори ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-хукукий хужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган 44 та магистратура мутахассисликлари таълим йўналишлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари ва ўкув режаларини мухокама этиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

ҚАТНАШДИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси соғликни сақлаш Вазирининг биринчи ўринбосари Б.Юсупалиев, фан ва ўкув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи У.Исмаилов, тиббий таълимни ривожлантириш маркази директори М.Х.Алимова, Соғликни сақлаш соҳаси бўйича олий таълим йўналиши ва мутахассисликларининг ўкув-услубий бирлашмаси раиси Б.Т. Даминов, Тошкент тиббиёт академияси ўкув ишлари проректори в.в.б. Ш.А.Боймуродов, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ўкув ишлари проректори Қ.Н.Хайитов, Тошкент Давлат стоматология институти ўкув ишлари проректори М.З.Дўсмуҳамедов, Тошкент тиббиёт академияси ўкув-услубий бўлими бошлиғи Ф.Х.Азизова, йўналишлар бўйича факультет деканлари, мутахассислик кафедралар мудирлари.

ЭШИТИЛДИ:

Фан ва ўкув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Ў.С.Исмаилов “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 199-сонли

қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарорива олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-хукуқий хужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган 44 та магистратура мутахассисликлари таълим йўналишлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йигилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

Сўзга чиқдилар:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ўқув ишлари проректори Қ.Н.Хайитов, Тошкент тиббиёт академияси ўқув-услубий бўлим бошлиги Ф.Х.Азизова сўзга чиқиб, ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиридилар.

Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлари проректори В.В.Б. Ш.А.Боймуродов:

44 та магистратура мутахассисликлари йўналишлари бўйича малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тузилган бўлиб, уларда республика Соглиқни саклаш тизимини ривожлантиришда рўй бердаётган ислоҳотлар тўлалигича ўз аксини топган;

“Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори” даги магистратура мутахассисликлари :

1. 5A510101 Акушерлик ва гинекология;
2. 5A510102 Эндокринология;
3. 5A510103 Терапия (ички касалликлар);
4. 5A510103 Терапия (реабилитология);
5. 5A510103 Терапия (гематология ва трансфузиология);
6. 5A510104 Оториноларингология;
7. 5A510105 Кардиология;
8. 5A510106 Офтальмология;
9. 5A510107 Юқумли касалликлар (умумий);
10. 5A510107 Юқумли касалликлар (болалар юқумли касалликлари);
11. 5A510107 Юқумли касалликлар (фтизиатрия);
12. 5A510108 Дерматовенерология ;
13. 5A510109 Неврология;
14. 5A510110 Умумий онкология;
15. 5A510111 Психиатрия;
16. 5A510112 Хирургия (йўналишлар бўйича);

17. 5A510113 Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (тиббий радиология);
18. 5A510113 Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (клиник лаборатория ташхиси);
19. 5A510113 Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (бактериология ва вирусология);
20. 5A510113 Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (тиббий биохимия);
21. 5A510114 Нейрохирургия;
22. 5A510115 Соглиқни сақлашни бошқарши ва жамоат соглигини сақлаш (йўналишлар бўйича);
23. 5A510116 Тиббий психология;
24. 5A510117 Урология;
25. 5A510118 Морфология (йўналишлар бўйича);
26. 5A510118 Морфология (нормал ва патологик физиология);
27. 5A510118 Морфология (одам анатомияси ва гистология, цитология ва эмбриология);
28. 5A510119 Наркология ;
29. 5A510120 Анеестезиология ва реаниматология;
30. 5A510121 Травматология ва ортопедия;
31. 5A510123 Суд-тиббиёт экспертиза;
32. 5A510124 Патологик анатомия;
33. 5A510125 Шошилинч тиббий ёрдам;
34. 5A510126 Фармакология;
35. 5A510127 Спорт тиббиёти;
36. 5A510301 Гигиена (коммунал гигиена);
37. 5A510301 Гигиена (мехнат гигиенаси);
38. 5A510301 Гигиена (овқатланиш гигиенаси);
39. 5A510301 Гигиена (болалар ва ўсмирлар гигиенаси);
40. 5A510301 Гигиена (радиацион гигиена);
41. 5A510301 Гигиена (умумий эпидемиология);
42. 5A510701 Олий ҳамиширалик иши;
43. 5A510128 Диетология;
44. 5A510302 Атроф мухит ва инсон саломатлиги;

йўналишлари бўйича малака, талаблари ва ўкув режаларини республикадаги асосий кадрлар буюртмачи ва истеъмолчиси бўлган вазирлик, идора, корхона ва ташкилотлар ҳамда Соғликни сақлаш вазирлигига тегишли илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ институтлари, турдош олий таълим муасссалари билан келишилган ва уларни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик қошидаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим мумкин.

ЙИФИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Турдош олий таълим муасссалари вакиллари ҳамда Тошкент тиббиёт академиясида ташкил этилган Ижодий ишчи гурухлар томонидан ишлаб чиқилгай “Олий таълим йўналишлари ва

мутахасисликлари Классификатори"даги :

2. 5A510101 Акушерлик ва гинекология;
3. 5A510102 Эндокринология;
4. 5A510103 Терапия (ички касалликлар);
5. 5A510103 Терапия (реабилитология);
6. 5A510103 Терапия (гематология ва трансфузиология);
7. 5A510104 Оториноларингология;
8. 5A510105 Кардиология;
9. 5A510106 Офтальмология;
10. 5A510107 Юқумли касалликлар (умумий);
11. 5A510107 Юқумли касалликлар (болалар юқумли касалликлари);
12. 5A510107 Юқумли касалликлар (фтизиатрия);
13. 5A510108 Дерматовенерология ;
14. 5A510109 Неврология;
15. 5A510110 Умумий онкология;
16. 5A510111 Психиатрия;
17. 5A510112 Хирургия (йұналишилар бүйіча);
18. 5A510113 Ташихиснинг инструментал ва функционал усуллари (тиббий радиология);
19. 5A510113 Ташихиснинг инструментал ва функционал усуллари (клиник лаборатория ташихиси);
20. 5A510113 Ташихиснинг инструментал ва функционал усуллари (бактериология ва вирусология);
21. 5A510113 Ташихиснинг инструментал ва функционал усуллари (тиббий биохимия);
22. 5A510114 Нейрохирургия;
23. 5A510115 Соглиқни сақлашни бошқарии ва жамоат соглигини сақлаш (йұналишилар бүйіча);
24. 5A510116 Тиббий психология;
25. 5A510117 Урология;
26. 5A510118 Морфология (йұналишилар бүйіча);
27. 5A510118 Морфология (нормал ва потологик физиология);
28. 5A510118 Морфология (одам анатомияси ва гистология, цитология ва эмбриология);
29. 5A510119 Наркология ;
30. 5A510120 Анестезиология ва реаниматология;
31. 5A510121 Травматология ва ортопедия;
32. 5A510123 Суд-тиббиёт экспертизаси;
33. 5A510124 Патологик анатомия;
34. 5A510125 Шошилинч тиббий ёрдам;
35. 5A510126 Фармакология;
36. 5A510127 Спорт тиббиёти;
37. 5A510301 Гигиена (коммунал гигиена);
38. 5A510301 Гигиена (мехнат гигиенаси);
39. 5A510301 Гигиена (овқатланиш гигиенаси);
40. 5A510301 Гигиена (болалар ва ўсмирлар гигиенаси);
41. 5A510301 Гигиена (радиацион гигиена);
42. 5A510301 Гигиена (умумий эпидемиология);
43. 5A510701 Олий ҳамиширалиқ иши;
43. 5A510128 Диетология;
44. 5A510302 Атроф мухит ва инсон саломатлиги;

йўналишлари малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги З-сон қарориасосида ишлаб чиқиланлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган магистратура таълим йўналишлари малака талаблари ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Соғликни саклаш Вазирлиги ва асосий иш берувчи соғликни саклаш вазирлиги даволаш профилактика муассасаларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин (Асосий кадрлар истеъмолчиларининг малака талаблари, ишчи гурӯҳ баённомаси ва далолатномалари билан расмийлаштирилган ва малака талабларига илова этилган)

ТТА ўқув ишлари проректори в.в.б.

Ш.А.Боймуродов



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

Тошкент тиббиёт академияси магистратура мутахассисликлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг магистратура мутахассислиги битириувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий комиетентлик) талаблари

Магистратура мутахассислиги 5A510117- Урология

Магистратура мутахассисликлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг магистратура мутахассислиги битириувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари

касбий фаолиятнинг соҳалари:

олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида тиббиётга оид маҳсус фанларни ўқитиш;

